



БИЗНЕСДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ НАТИЖАСИНИ ОШИРИШ.

A.A. Tureev

*Магистрант, Қорабогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институти.*

Кириш. Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда. Бунда стратегик муҳим илмий-технологик ва истиқболли инновацион лойиҳаларни қишлоқ хўжалигидаги жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллий инновацион технологияларни жорий этиш асосида иқтисодиётнинг юксак тараққиётига эришмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигидаги инновацияларни жорий этиш ва тижоратлаштириш – иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини оширишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак». Шу жиҳатдан, инновация фаолиятни қишлоқ хўжалигини бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда инновацион кластер концепциясига асосланган ҳолда иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини оширишга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот дорлзарблиги ва ишлаб чиқаришдаги аҳамияти

Бунда мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишда инновация фаолиятини ривожлантириш инфратузилмасини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш





оркали инновация фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан инновация фаолияти субъектларида инновацион менежментнинг ташкилий иқтисодий механизмлари асосларини такомиллаштиришга бағишенган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мүмкінлиги билан изоҳланади

Тадқиқот обекти болип Қорақалпоғистон Республикаси кластер хўжаликларида инновация фаолияти ҳамда уларни ривожлантириш хусусиятлари танланган.

Минтақада инновация фаолиятини қишлоқ хўжалиги субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инновациялар бозорини мақсадли ривожлантириш ва тартибга солиш асосида инновация фаолиятини самарали бошқаришни ташкил этиш моделларини ишлаб чиқиш ва шу билан бир каторда инновация фаолиятни мақсадли шакллантиришга инновацион кластерни ташкил этган ҳолда ҳудуд иқтисодиёти, саноат корхоналари ва бошқа иштирокчилар учун афзалликларни дефференциал аниқлаш имконини берувчи услубий ёндашув ишлаб чиқишга каратилган

Илимий тадқиқот янгиликлари Инновация фаолияти инфратузилмаси ривожланишини бошқаришнинг илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш хусусиятларига эга бўлган ташкилий-иктисодий механизми ишлаб чиқиш ва инновация фаолияти инфратузилмаси субъектларининг старт-ап лойиҳаларини инвестиция билан таъминлашнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш хусусиятларига эга бўлган механизми ишлаб чиқилш тухим ахамиятга ega bolip hisoblanadi.

Хулоса: Юқоридаги таҳлил ва тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш мумкинки, инновацион ривожланиш муаммолари Қорақалпоғистон учун алоҳида долзарблик касб этади, чунки фақатгина янги ресурс тежовчи, илғор технологиялардан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда инновацион ривожланиш атроф-муҳитни сақлаб қолишни ҳисобга олиб иқтисодиёт барқарорлигини жадал суръатларда ўсишини ва тармоқ олдига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш имконини яратади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. “2030-yilgacha O’zbekistonni ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirish konsepsiyasini to’g’risi”dagi qarori 9.10.2019.
2. “Biznes muhitini yanada yaxshilash va tadbirkorlikni qo’llab quvvatlash





to'g'risida"gi qarori 20.11.2019.

3.O'zbekiston Respublikasi "Biznesda mulkchilik to'g'risida" gi qonun 31.10.1990.

4. www.lex.uz
5. www.stat.uz
6. www.xs.uz
7. http://e-lib.gasu.ru/eposobia/tuxteneva/R_3_1.html

